

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги

**Заҳириддин Муҳаммад Бобур номидаги
Андижон Давлат университети**

Экология ва ботаника кафедраси

**“Экология” фанидан ижтимоий факультетлар
мутахассисликлари учун**

Ишчи-ўқув дастур

**Тузувчи: Экология ва ботаника
кафедрасининг катта ўқитувчиси,
биология фанлари номзоди: И Хафизов**

**Экология ва ботаника кафедрасининг 9 сентябрь 2005 йил йиғилишида муҳокама этилиб, кафедра
йиғилиши қарорига биноан Кимё-биология факультетининг ўқув-услубий кенгашига тавсия этилди.**

Сўзбоши

Табиат билан жамият ўртасидаги ўзаро муносабатлар маълум қонунларга бўйсунган ҳолда боради. Бу муносабатларнинг бузилиши инсониятга турли экологик муаммоларни келтириб чиқаради.

Экологик муаммолар ижтимоий масалаларнинг ажралмас қисми ҳисобланиб, давлатимиз ва кенг жамоатчилик олдидаги ҳал этилиши лозим бўлган вазифалар бўлиб қолмоқда. Шу нуқтаи назардан экологик таълим ва тарбия тизими муҳим аҳамиятга эгадир.

Экологик тарбия инсоннинг табиатга, биосферага бўлган янгича муносабатларини шакллантиришда, ўз навбатида юртимизда юксак экологик маданиятли, она табиатга тўғри муносабатда бўладиган инсонларнинг шаклланишида асос бўлиб хизмат қилиши мумкин.

Экология фанидан тайёрланган ишчи-ўқув дастур ижтимоий факультетлар мутахассислиги талабалари учун мўлжалланган бўлиб, 24/10/16 ўқув соатларни ўз ичига олади.

Ушбу курсда экология фанининг ўзига хос тушунчалари, тирик организмлар, экологик омиллар, уларнинг турлари, организмлар билан экологик омиллар ўртасидаги муносабатлар, популяциялар, биоценозлар, ҳамжамоалар, организмларнинг ҳаёт шакллари, экологияси, ташқи муҳитга мослашиши, биосфера ва бўлимлари Ўзбекистондаги экологик аҳвол. Уни яхшилаш йўллари, Республика кўламида, Марказий Осиё миқёсидаги экологик муаммоларга, Орол ва орол бўйи экологик ҳолат, ландшафтлар экологияси ва таълим муассасаларида экологик таълим тарбия масалаларига қаратилган.

Ҳозирги замонда Инсон фаолияти таъсирида биосферадаги ўзгаришларни тезлик билан бораётганлиги, инсон Ер шари қиёфасини ўзгартиришда катта геологик куч эканлиги, натижада келиб чиқаётган турли даражадаги экологик муаммоларга, шунингдек атроф муҳитни тадқиқ қилишнинг аниқ илмий йўналишлари ва вазифаларига асосий эътиборни қаратиши лозимдир.

Ушбу ишчи-ўқув дастурни тузишда
ЎзМУ кафедралари тамонидан ишлаб
чиқилган ва 1998 йил чоп этилган
намунавий дастур асос қилиб олинди.

**“Экология” фани бўйича ижтимоий факультетлар талабалари учун
тақвимий ишчи-режа**

24/10/16 соат

№	Мавзулар	Маъруза	Амалий	Семинар
1	Экология фани ва бўлимлари, экология фани ўрганиш усуллари ва вазифалари. Экология фанининг мустақил фанлиги, бошқа табиий фанлар билан боғланганлиги, экология тушунчаси ва унинг асосий экологик тушунчалари ҳақида, унинг бўлимлари, экологияда фойдаланиладиган усуллари қисқача тарихи, экологик муаммолар ва экологик вазиятларни яхшилаш йўллари, экология фани вазифаларига эътибор берилди.	2		
2	Марказий Осиё ва Ўзбекистонда экология фанининг ривожланиши. Ўрта Осиёлик алломаларнинг табиат ва экология ҳақидаги фикрлари, Ўрта Осиёда экологияни шаклланишига ҳисса қўшган географ-экологлар, ўсимликлар, ҳайвонлар экологиясига ҳисса қўшган илмий муассасалар-олимларнинг олиб борган ишларига қаратилади.	2		
3	Экологик омиллар, турлари ва организмлар учун аҳамияти. Муҳит мосланиш ҳақида, экологик омил, турлари: абиотик, биотик, антропоген омиллар ҳақида, омилларнинг тирик организмларга таъсир этишининг умумий қонуниятлари, иқлимий омиллар таъсири кабиларга асосланади.	2		
4	Биотик ва антропоген омиллар. Биотик омиллар тушунчаси, уларнинг бир-бирларига нисбатан бўлган муносабатлари, ўсимликларни ўсимликларга, ҳайвонларга таъсири, ҳайвонларни ҳайвонларга ва ўсимликларга таъсири, микроорганизмларнинг ўсимлик ва ҳайвонларга таъсири ҳақида тушунчаларига асосланади.	2		
5	Организмларнинг ҳаёт-шакллари Ўсимлик ва ҳайвонларнинг ташқи муҳитнинг асосий омилларига нисбатан мосланиши, ҳаёт кечириши, Ер шарининг турли зоналарида ўсимликлар ва ҳайвонларни шаклланиши, турли экологик гуруҳларга, уларнинг умумий хусусиятларига, ўсимликлар ва ҳайвонларни ҳаётий шакллари таснифлашдаги олимлар томонидан олиб борилган изланишларга асосланади.	2		
6	Популяциялар экологияси Популяция тушунчаси, популяциянинг муҳим хусусиятларига: популяция сони, зичлиги, популяциянинг ўсиши, ўсиш сурати, туғилиш, ўлиш каби тушунчаларга, организмларнинг маълум ҳудудда тарқалиши, жинс ва ёш нисбатлари, ҳайвонларнинг морфологик, физиологик, ҳулкий хусусиятларига қаратилади.	2		
7	Биоценозлар, улардаги организмлар ўртасидаги муносабатлар. Тирик организмларнинг биргаликда яшаши, уларни ўзаро турли биотик алоқаларда бўлиши, организмлар ўртасида йирткичилик, паразит (текинхўр), хўжайин, уларни ўзаро ва ташқи муҳит билан муносабатлари, биоценозлар ва экотизимлар, турлари, моддалар айланишида иштирок этувчи организмлар гуруҳларига эътибор берилди.	2		
8	Биосфера ҳақида таълимот, биосферада моддаларнинг айланма ҳаракати.	2		

	Биосфера ҳақида тушунчаларга, биосферанинг таркиби, акад. В.И.Вернадский ишлари, биосфера мураккаб ҳаракатдаги тизим эканлиги, биосферада кичик биологик ва катта геологик доирадаги моддалар айланиши, улар ўртасидаги боғлиқликлар, сув, углерод, азот элементларининг табиатда айланиш қонуниятларига қаратилади.			
9	Биосфера ва инсон фаолияти. Инсоннинг дастлабки ҳаёт кечириш тарзлари, турли кашфиётларни очилиши ва атроф муҳитга таъсирини кенгайтириши, Ёввойи ўсимликларни маданийлаштириш, ҳайвонларни хонакилаш-тириш, деҳқончиликни ривожланиши, ўрмонларни кесилиши, саноатни ривожланиши, кимёвий ўғитлардан, захарли препаратлардан кенг фойдаланиш туфайли келиб чиқадиган оқибатлар ўқувчиларга етказилади.	2		
10	Ландшафтлар экологияси. Ландшафтлар ҳақида тушунча, унинг таркибий қисмлари, ландшафт турлари, қумли чўллар, адир ва тоғ минтақалари, суғориладиган ерлар экологиясига, ландшафтларнинг ўзига хос хусусиятлари, улардаги ўсимлик ва ҳайвонот олами, экологик ландшафтларда пайдо бўлаётган экологик муаммолар таърифланади.	2		
11	Орол денгизи ва орол бўйи экологияси Орол денгизининг аввалги ҳолати, иқтисодий ва территориал аҳамияти, орол денгизининг ҳозирги ҳолати, унинг қуриш сабаблари, денгиз атрофидаги иқлимнинг ўзгариши ва натижада келиб чиқаётган турли экологик муаммолар, аҳоли саломатлиги, ҳалқ ҳўжалиги тармоқларининг ноқулай аҳволга тушиб қолиш ҳолатлари, Орол денгизини сақлаб қолиш муаммоларига қаратилади.	2		
12	Экологик таълим тарбия, атроф-муҳитни сақлаб қолишнинг муҳим омили. Экологик таълим ва тарбияни босқичма-босқич олиб бориш; болалар боғчасида, ўрта мактабларда, олий ва ўрта махсус таълим муассасаларида табиатни муҳофаза қилиш, биосферада рўй бераётган ҳодиса-сабабларни экология асослари ва табиат муҳофазаси, экологик таълим ва тарбиянинг асосий вазифаларини ёритишдан иборатдир.	2		
13	Жами:	24		

Адабиётлар

1. Новиков Г.А. “Основы общей экологии и охраны природы” ЛГУ, 1989.
2. Чернова Н.М. “Бўлова А. М.. “Экология” М Просвещение, 1981
3. Эгамбердиев Р., “Экология”. Ташкент, Ўзбекистон, 1993.
4. Зоҳидов Т.З. “Биоценозы пустыни Кызылкум”. Ташкент, Фан, 1991.
5. Баратов П. “Табиатни муҳофаза қилиш”, Ташкент, Ўқитувчи, 1991.

“Экология” фанидан ижтимоий факультетлар мутахассислиги талабаларига Маъруза учун календар-режа.

24соат

№	Мавзулар	Соат	Ўтилган кун	Имзо
1	Экология фани ва унинг бўлимлари, экология фани ўрганиш усуллари ва вазифалари	2		
2	Марказий Осиё ва Ўзбекистонда экология фанининг ривожланиши.	2		
3	Экологик омиллар, турлари ва Организмлар учун аҳамияти.	2		
4	Биотик ва антропоген омиллар	2		
5	Организмларнинг ҳаёт шакллари.	2		
6	Популяциялар экологияси	2		

7	Биоценозлар, улардаги организмлар ўртасидаги муносабатлар.	2		
8	Биосфера ҳақида таълимот ва биосферада моддаларнинг айланма ҳаракати.	2		
9	Орол денгизи ва орол бўйи экологияси.	2		
10	Биосфера ва инсон фаолияти.	2		
11	Ландшафтлар экологияси	2		
12	Экологик таълим ва тарбия, атроф-муҳитни сақлаб олишнинг муҳим омили.	2		
	Жами	24		

**“Экология” фанидан ижтимоий факультетлар мутахассилиги талабаларига семинар машғулотлар учун
календар-режа**

16 соат.

№	Мавзулар	Соат	Ўтилган куни	Имзо
1	Марказий Осиё алломаларининг табиат ва экология ҳақидаги фикрлари, Ўзбекистонда экологиянинг ривожланиш тарихи.	2		
2	Организмларнинг яшаш муҳитлари, мосланиш ва экологик факторлар, турлари.	2		
3	Организмларнинг ҳаётий шакллари	2		
4	Биосфера, ҳақида таълимот, биосферага инсониятнинг таъсири.	2		
5	Орол ва орол бўйи экологик муаммолар.	2		

6	Ўзбекистонда экологик муаммолар ва уларни бартараф этиш йўллари.	2		
7	Ландшафтлар экологияси.	2		
8	Таълим муассасаларида экологик таълим ва тарбия.	2		
	Жами	16		

**Экология” фанидан ижтимоий факультетлар мутахассилиги талабаларига амалий машгулотлар учун
календар-режа**

10соат.

№	Мавзулар	Соат	Ўтилган куни	Имзо
1	Қўп йиллик ўт ўсимликларнинг ҳаёт шакллари	2		
2	Ҳайвонларнинг ҳаёт шакллари	2		
3	Муҳофазага олинган ўсимлик турлари экологияси	2		
4	Муҳофазага олинган ҳайвон турлари экологияси	2		
5	Ўзбекистон қўриқхоналари уларни табиатни муҳофаза қилишдаги аҳамияти.	2		
	Жами	10		